




Саводхонлик байрами



Қумқўрғон туман халқ таълими бўлимига қаршли 3-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси, 1-тоифали ўқитувчи Айнахол Маматова бошчилигида 1-синф ўқувчиларининг саводхонлик байрами ўтказилди.



Тадбирда “Алифбе” китобини муваффақиятли ўзлаштирган ўғил-қизларнинг бошланғич таълим бўйича эгаллаган дастлабки билими интеллектуал ўйинлар, қизиқарли савол-жавоблар орқали илк синовдан ўтказилди.



Болажонлар томонидан ижро этилган шеър, қўшиқ ва рақслар тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.